

2020 йил 6-ноябр

## “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти “Махам-Чирчиқ” АЖ ташкил топганлигининг 80 йиллик юбилей байрами билан табриклайди

### “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти “Махам-Чирчиқ” АЖ 80 йиллик юбилей байрами билан табриклайди

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти мамлакатимиз кимё саноатининг етакчи корхоналаридан бири “Махам-Чирчиқ” акциядорлик жамияти ташкил топганлигининг 80 йиллик юбилей байрами билан табриклайди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни самарали амалга ошириш ҳамда республикамиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда “Махам-Чирчиқ” акциядорлик жамияти алоҳида ўринга эга.

Корхона Марказий Осиёдаги азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган биринчи корхона ҳисобланади. 1940 йилда ишга туширилган корхона Ўзбекистонда кимё корхоналарининг тўнғичи бўлиб, Чирчиқ шахрининг барпо этилишига сабаб бўлган. 1932 йилда Чирчиқ азотли минерал ўғитлар заводини қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу йилдан корхона Чирчиқ Электрокимёкомбинати деб номланди. Хорижий инвестор “Махам Corp. S.A.U.” корпорацияси томонидан заводнинг акциялар пакети сотиб олингандан кейин корхона “Махам-Чирчиқ” акциядорлик жамияти деб қайта номланди.

Мустақиллик йилларида “Махам-Чирчиқ” АЖ мамлакатимизнинг илғор кимё саноати компаниялари қаторидан муносиб ўрин эгаллаб, минтақадаги энг йирик ва ишончли саноат корхоналаридан бирига айланди.

“Махам-Чирчиқ” акциядорлик жамияти, унинг кўп минг сонли ва кўпмиллатли меҳнат жамоаси ўзининг зришган ютуқлари билан нафақат Тошкент вилояти, балки мамлакатимизда юксак эътибор ва эҳтиромга сазовор бўлди. Зеро, бир-биридан кўркам замонавий бино ва иншоотлар, маданият ва спорт объектлари, таълим муассасалари, дам олиш ва соғломлаштириш масканларига эга Чирчиқ шахрининг вужудга келиши ва тараққий этишида корхонанинг ҳиссаси беқийсдир.

Мамлакатимиз кимё саноатининг энг йирик, етакчи ва илғор корхоналаридан бири ҳисобланган “Махам-Чирчиқ” АЖ жамоаси маррани баланд олиб, фидокорона меҳнати билан иқтисодиётимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 10 ой якунлари бўйича корхона томонидан ишлаб чиқариш режаси 114,8%га бажарилди ва 1,94 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўн иккита давлатга жами 20,9 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинганлиги фикримизнинг исботидир.

Мамлакатимизда стратегик ислохотларнинг янги босқичи бошланган бугунги кунда иқтисодиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга ва турли даврларга мўлжалланган дастурларнинг корхона ҳаётига изчил татбиқ этилиши янгидан-янги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кенг имкониятлар яратмоқда.

Яна бир бор “Махам-Чирчиқ” АЖ ташкил топганлигининг 80 йиллиги байрами билан самимий табриклаган ҳолда, масъулиятли фаолиятингизда куч-қувват, фидокорона меҳнатингизга улкан зафарлар тилайман. Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик ва файзу-барака аримасин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти жамоаси

Uzkimyo sanoat  
AKSIYADORLIK JAMIYATI



source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/mxm-pozdravlenie-80-let>